



Ичига шоколад ёки ёнгок тўлдирилган ранг-баранг M&M дражеси кўплаб мамлакатларда турли ёшдаги кишиларнинг севимли ширинликларилан биридир.

Мусулмон мамлакатлардаги кўплаб истеъомолчилар бу ширинлик таркибида такикланган нарсалар борлигини хаёлига ҳам келтирмагани, шу сабабли ишлаб чиқарувчи компаниянинг бу махсулот таркибий қисми борасда берган изохи ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларини хайратда колдирди.

Twitter даги @TheLifeOfBako никли фойдаланувчи M&M's саҳифасида махсулот халолми деган савол берди ва ижтимоий тармоқнинг юзлаб фойдаланувчиларини хайратда колдирган холда "йўк", деган жавоб олди.

«M&M's халол овқатланиш учун тўғри келмайди. Биз хайвонлардан олинган кўшимча моддалар кўшамиз», - деб жавоб берди ишлаб чиқарувчи, дея иқтибос келтиради IslamNews.

Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг реакциясини узок кутишга тўғри келмади – маълум бўлишича, шоколадли драженинг мусулмонлар орасида ихлосмандлари кўп экан. «Шошмай тулинг... Нима?!?!» «Яхшиси, мен буни ўқимадим деб тасаввур қилганим маъкул экан». «Кандай қилиб бунга йўл қўйдингиз?» «Менинг бутун хаётим ёлгонга тўла экан».

[Манба](#)